# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 18 октябрь, № 221 (8564) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:

# УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА РАВНАҚҚА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлиб турибди.**





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Президентимиз таклиф ва кўрсатилаётган самимий қабул учун Хитой етакчисига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон раҳбари ХХР Раисини Хитой ташкил топган кун ҳамда "Бир макон, бир йўл" ташаббусининг ўн йиллик юбилейи билан чин дилдан қутлади.

— "Макон ва йўл" ташаббуси қисқа тарихий давр ичида умумий тараққиёт ва равнаққа эришиш йўлидаги ҳамкорлик учун муҳим, инклюзив ва очиқ платформага айланди. ХХР Раисининг "Яшил ипак йўли" ташаббуси илк бор 2016 йилда Ўзбекистонда билдирилгани чуқур рамзий маънога эга, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Ўзбекистон Хитой билан кўп қиррали муносабатларни янада чуқурлаштиришга қатъий интилиши алоҳида таъкидланди.

Ҳар томонлама стратегик шерикликни янги даврда ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил май ойидаги Хитойга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар изчил бажарилаётгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, асосий масалалар борасида томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Кейинги йилларда Хитой инвестициялари ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар кўпайди. Жорий йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми 36 фоизга ошди. Йил якунигача ушбу кўрсаткич 10 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Товар айирбошлашни яқин беш йилда 20 миллиард долларга етказиш учун барча асослар борлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.

Хитой компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида юксак технологиялар, муқобил энергетика, кимё, машинасозлик, металлургия, электротехника тармоқларида, инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа йўналишларда бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни биргаликда ташкил этиш орқали юқори технологик лойиҳаларни кўпайтиришдан манфаатдорлиги билдирилди.

Хитойнинг етакчи банклари ва "Ипак йўли" фонди билан самарали ҳамкорликка юқори баҳо берилди.

Ҳудудлараро алоқалар фаоллашгани қайд этилди. Йил бошидан Ўзбекистонга Шинжон — Уйғур автоном ҳудуди, Шэньси, Шаньдун, Цзянсу ва Цзянси музофотлари делегациялари ташриф буюрди.

Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш борасида самарали тажриба алмашиш ва амалий ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча келишувлар ижросининг боришини кўриб чиқиш мақсадида Ҳукуматлараро қўмитанинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш таклиф қилинди.

Етакчилар маданият, таълим ва туризм соҳаларида қизғин ҳамкорликни юксак баҳоладилар. Хитой 2023 йилни "Марказий Осиё ва Хитой халқлари маданияти ва санъати йили" деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирилди.

Яқинда Ханчжоудаги Ипак миллий музейида Ўзбекистоннинг тақдимоти бўлиб ўтди. Пекиндаги "Гугун" саройи музейида "Макон ва йўл" ташаббуси доирасидаги Археологик ҳамкорлик кўргазмасида тарихий меросимиз экспозицияси ташкил этилди.

Октябрь ойи охирида Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари, келгуси йил баҳорида эса Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистонда, айниқса, ёшлар орасида хитой тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Тошкент ва Самарқанддаги Конфуций институтининг самарали фаолияти бунга катта ҳисса қўшмоқда. Хитой тилини ўқитишни ва ёш олимлар ўртасидаги алмашинувни кенгайтириш режалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Президенти Тошкентда Хитойнинг етакчи Цинхуа университети ва Пекин университети филиалларини очишни таклиф қилди.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

"Ягона Хитой" сиёсати ҳамда "уч ёвуз куч"га қарши курашиш борасидаги позиция ўзгармас экани тасдиқланди.

Учрашувда илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида давлатимиз раҳбари ХХР Раисини ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Учрашув ҳар доимгидек ишончли, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

Пекин шаҳридаги Халқ йиғинлари уйида "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форумида иштирок этаётган делегациялар раҳбарларини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва рафиқаси тантанали кутиб олди.

Маросимда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Покистон Бош вазири вазифасини бажарувчи Анвар ул-Ҳақ Какар, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов, қатор бошқа мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Меҳмонларга театрлаштирилган концерт дастури тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари Хитойга амалий ташриф доирасида Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Во Ван Тхионг билан учрашди.

Икки мамлакат ўртасида, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Вьетнам Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги муҳим ҳамкоридир. Кейинги йилларда турли даражалардаги мулоқотлар фаоллашди, ўзаро савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик соҳаларида лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Етакчи компанияларимиз нефть-газ мажмуасида, машинасозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда, шу жумладан, махсус иқтисодий зоналар ва индустриал парклар доирасида кооперациялар ташкил этиш учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Вьетнам етакчилари маданият, таълим ва туризм соҳаларида алмашинувни ривожлантириш муҳим эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти "Amer International" индустриал-саноат холдинги раиси Ван Вэньинни қабул қилди.

Хитойнинг етакчи конгломератларидан бири бўлган "Amer International" юксак технологиялар, электроника, яримўтказгичлар саноати, кончилик ва қайта ишлаш тармоқларидаги лойиҳалар билан шуғулланади. Компания "Fortune 500" глобал рейтингига кирган. Хитойда ва унинг ташқарисида умумий қиймати 60 миллиард доллардан зиёд бўлган лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ван Вэньин Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар дастури хорижий, шу жумладан, Хитой компаниялари учун қулай шароит яратаётгани ва кенг имкониятлар очаётганини таъкидлади.

Компания мамлакатимизга Марказий Осиё минтақасидаги бизнесининг бош йўналиши сифатида қараётгани қайд этилди.

Мисни чуқур қайта ишлаш ва ундан юқори қўшилган қийматли инновацион ва харидоргир маҳсулотлар, шу жумладан, электротехника, электромобиллар учун аккумулятор батареялари, микроэлектроника ва яримўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

"Amer International" компанияси раиси Хорижий инвесторлар кенгаши фаолиятида иштирок этиши, мамлакатимизда минтақавий офис очиш ҳамда қўшма инновацион лойиҳаларни тезлаштириш бўйича "Йўл харитаси"ни қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Форумнинг асосий тадбирлари 18 октябрь куни бўлиб ўтади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

---

Хитой элчиси Юй ЦЗЮНЬ:

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҚЛАРИНИ ЎЗ КЎЗИМ БИЛАН КЎРИБ ТУРИБМАН

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг 17-18 октябрь кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган "Бир макон, бир йўл" (БМБЙ) учинчи халқаро форуми тадбирларида иштирок этиш учун Хитойга ташрифи муносабати билан "Дунё" АА мухбири ушбу мамлакат элчиси Юй Цзюнь билан Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги, жумладан, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси истиқболлари хусусида суҳбатлашди.*

### Эксклюзив интервью

***— Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқот жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасидаги муносабатларда, экспертлар таъбири билан айтганда, "кимёвий боғлиқлик" бор. Улар ўтган йили сентябрь ойида Самарқандда, май ойида эса Сиань шаҳрида учрашишди. Мана энди етакчиларимиз бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида учинчи марта учрашмоқда. Хитойнинг Ўзбекистондаги янги элчиси сифатида бу жараёнларни қандай баҳолайсиз?***

— Айтганингиздек, ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда яқин алоқаларни давом эттириб, чуқур дўстлик ришталарини ўрнатган ҳолда юқори даражадаги сиёсий ўзаро ишончга эришдилар. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Раис Си Цзиньпин Ўзбекистонга тарихий давлат ташрифи билан бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)нинг Самарқанд саммитида қатнашди. Унда давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик янги даврга қадам қўйганини эълон қилдилар.

Жорий йилнинг май ойида Президент Шавкат Мирзиёев "Хитой — Марказий Осиё" саммитида иштирок этди ва унинг доирасида Хитойга давлат ташрифини амалга оширди. Давлат раҳбарлари самарали учрашув ўтказдилар, янги даврда кенг қамровли стратегик шерикликни ривожлантиришнинг янги йўлини белгилаб берган қатор келишувлар имзоланди.

Мен Хитойнинг мамлакатингиздаги элчиси сифатида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистоннинг миллий тараққиёти ва қурилиши борасида эришилган ютуқларни ўз кўзим билан кўриб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари улкан салоҳиятга эга эканини чуқур ҳис қиляпман.

Президент Шавкат Мирзиёев "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форумида иштирок этаётир. Ташриф давомида давлатларимиз раҳбарларининг учрашуви ҳам ўрин олган. У ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини белгилаб беради. Хитой Ўзбекистон билан олий даражада эришилган муҳим келишувларни собитлик билан амалга ошириш, тарихий имкониятдан фойдаланиш ва Хитойнинг порлоқ келажагини яратувчи "Бир макон, бир йўл" ташаббуси ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини илгари суришда давом этишга тайёр.

➡ 2

---

Махсус репортаж

## АДОЛАТЛИ ДУНЁ КОНЦЕПЦИЯСИ

### Ягона тақдирга эга инсоният ҳамжамиятини яратиш ғояси нимага таянади?

*Эрамиздан икки юз йил илгари Хитой императори У-ди вакили — элчи Чжан Цян саёҳатга отланган ва бу саёҳат инсоният тамаддунида янги давр бошланишига асос бўлган. Чегаралар ҳамда жуғрофий тўсиқлар орқали халқлар ўртасида савдо ва маданий алоқалар учун янги имкониятлар очилган.*

*"Осмоности мамлакати"дан Ғарбга қараб солинган йўл Марказий Осиё орқали ўтган. Савдо алоқаларининг ривожланиши бундан икки минг йил аввал Хитойни бизнинг минтақамиз билан ноёб тарихий воқелик саналмиш Буюк Ипак йўли орқали боғлаган ва у кейинчалик савдо, маданий ҳамкорлик ва дўстлик кўпригига айланган.*




### Билимнинг сеҳрли кучи

Шу кунларда Самарқанднинг қадимий бинолари, кўча ва бозорлари турли хорижий тилларда сўзлашаётган сайёҳлар билан гавжум. Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар турли қитъалардаги давлатлардан келган меҳмонларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Кейинги пайтда бу ерда хитой тили ҳам тез-тез янграйдиган бўлди. Яъни афсоналардаги шаҳар сиймосини ўзида мужассам этган Самарқандга ташриф буюрувчилар орасида "Осмоности мамлакати" вакилларининг ҳам сони ортиб бормоқда.

➡ 2

## Хитой элчиси Юй ЦЗЮНЬ:

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҚЛАРИНИ ЎЗ КЎЗИМ БИЛАН КЎРИБ ТУРИБМАН



←1

***— “Бир макон, бир йўл” ташаббуси 2013 йилда Раис Си Цзиньпиннинг Марказий Осиёга ташрифи чоғида бошланган эди. Ўшандан буён биз ушбу ташаббус доирасида ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?***

— Марказий Осиё ташаббус илгари сурилган жой ва амалга ошириш учун асосий минтақадир. Сўнгги ўн йил ичида БМБЙ ташаббуси доирасида Хитой ва Марказий Осиё давлатлари биргаликда халқларимиз фаровонлиги учун хизмат қилган бир қанча йирик лойиҳаларни амалга оширди. Хитой узоқ йиллардан буён Марказий Осиё беша давлатининг асосий савдо шериги бўлиб келмоқда. 2022 йилда Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 70 млрд. доллардан ошди. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси туфайли Марказий Осиё давлатлари Шарқ денгизга чиқиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги пайтда Хитой — Марказий Осиё газ қувури ва Хитой — Қозоғистон нефть қувури барқарор ишламоқда, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль йўлининг мультимодал транспорт салоҳияти доимий равишда ишга туширилмоқда, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон БМБЙ ташаббусининг фаол иштирокчиси ва фойда олувчиси бўлиб, ҳамкорликда самарали натижаларга эришди. Шунингдек, Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериги ҳисобланади. Ўзбекистон статистик маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь — август ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 8,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35,6 фоизга ошган. Таъкидлаш жоизки, йил бошидан буён икки давлат ўртасида электромобиллар савдоси кескин ўсди. Ўзбекистонга импорт қилинадиган электромобилларнинг 90 фоизи Хитойдан келмоқда. Жорий йилда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда Ўзбекистон шаҳарларининг гўзал “ташриф қоғози”га айланадиган 3 мингта янги автобус фойдаланишга топширилади.

Бугунги кунда Хитой Ўзбекистонга сармоя киритаётган асосий манба бўлиб, мамлакатингиз иқтисодиётига жалб этилган Хитой сармоясининг умумий ҳажми 11 млрд. АҚШ долларидан ошди. Инвестициявий ҳамкорлик инфратузилма, кимё саноати, энергетика, сув хўжалиги, транспорт, коммуникация ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Ўзбекистон томони маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида Хитой республикасининг энг йирик сармоявий ҳамкорига айланди. Хитой янги Ўзбекистонни барпо этишда фаол қатнашмоқда. Хусусан, пойтахтингиздаги Олимпия шаҳарчаси, Тошкент шаҳридаги учта банк биноси, Сирдарё вилоятида 1600 МВт қувватга эга газ комбинациялашган электр станциялари, шунингдек, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги шамол ва қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш каби лойиҳалар биргаликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Хитойнинг 1900 дан ортиқ компаниялари рўйхатга олинган. Улар республика бўйлаб махсус иқтисодий зоналар ва саноат паркларида муваффақиятли фаолият юритаётир.

Айни пайтда Хитой ва Ўзбекистон энергетика, ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ хўжалиги ва транспорт инфратузилмаси каби муҳим соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштиришда давом этмоқда. Уйлайманки, келажакда минерал ресурслар, биотиббиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, камбағалликни қисқартириш сингари жабҳаларда ҳам ҳамкорлик учун янада кенг имкониятлар очилади ва улар икки томонлама муносабатларимизнинг янги йўналишларига айланади.

Айтиш жоизки, шу йилнинг сентябрь ойида барча даражадаги делегацияларнинг алмашинуви бўлиб ўтди. Бир ой давомида 30 дан ортиқ делегациялар Хитой ва Ўзбекистонга ташриф буюриб, турли тадбирларда иштирок этди.

***— Ўзбекистон — Хитой муносабатлари тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалади. Қадимий Буюк Ипак йўли Хитойдан бошланган бўлса, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди унинг муҳим маркази саналган. Сизнингча, ҳозирги босқичда давлатлараро муносабатларнинг ривожланишида тарихий яқинлик қандай роль ўйнайди?***

— Ўзбекистон Ипак йўлидаги муҳим давлат. Қадимги Ипак йўли 2000 йилдан ошиқ тарихга эга бўлиб, Хитой ва Ўзбекистонни чамбарчас боғлаб туради. Иккала томон ўхшаш тушунча ва маданиятга ҳамда бир-биридан ўрганишлари керак бўлган кўплаб сифатларга эга.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик икки давлат ўртасидаги замонавий муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. 1992 йил 2 январда Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатишда Хитой етакчилик қилди. Ҳар икки давлат бир-бирини ҳурмат қилади, яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларга эга, ўзаро манфаат ва ёрдамга интилади. Ўртамизда ҳеч қандай муаммо ва низолар йўқ, биз давлатлар ўртасидаги муносабатлар намунасини ярата олдик, деб ўйлайман.

Биз халқаро муаммолар бўйича ўхшаш позиция ва қарашларга эгамиз, миллий воқеликка мос равишда ривожланиш йўлидан бориш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, БМТ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаол ҳамкорлик олиб боряпмиз, асосий манфаатларга таалуқли масалаларда ҳам бир-биримизни қатъий қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзларининг чуқур тарихи ва бой маданий мероси туфайли ҳар икки томон ҳам давлат бошқаруви соҳасида бир хил қарашга эга. Хитой Ўзбекистонга кучли қўшни, яқин дўст ва ишончли ҳамкор, шунингдек, ислоҳотлар, очиқлик, миллий тараққиёт ва ривожланиш йўлидаги шерик сифатида қарайди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой тажрибасидан фойдаланган ҳолда Сирдарё вилоятини “Илғор инновациялар ҳудуди”га айлантириш бўйича кўрсатма берди. Хитой буни қадрлайди ва Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр.

> *— Ўзбекистон Ипак йўлидаги муҳим давлат. Қадимги Ипак йўли 2000 йилдан ошиқ тарихга эга бўлиб, Хитой ва Ўзбекистонни чамбарчас боғлаб туради. Иккала томон ўхшаш тушунча ва маданиятга ҳамда бир-биридан ўрганишлари керак бўлган кўплаб сифатларга эга.*

Бундан ташқари, икки давлатнинг бой тарихий-маданий мероси ҳам икки халқнинг бир-бирини яқиндан билиши учун яхши шароит яратмоқда. Ипак йўлининг Самарқанд, Бухоро, Хива каби машҳур қадимий шаҳарлари хитойлик сайёҳларнинг эътиборини ҳар доим ўзига жалб этиб келган. Айни пайтда ўзбекистонлик дўстларимиз Ипак йўлининг ватани бўлмиш Хитойга саёҳат қилиб, қадимийлик ва замонавийлик уйғунлигини ҳис этиш ниятида. Хитой халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга, гуманитар ҳамкорликни фаоллаштиришга, халқларимизни янада бир-бирига яқинлаштиришга тайёр.

***— Ўзбекистон ва Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсисчи давлатлари ҳисобланади. Ушбу тузилманинг ташкил этилганига 22 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўзбекистоннинг 2022 йилда ШҲТга раислиги ва ташкилотнинг Самарқанд саммити якунлари хорижлик экспертларнинг эътирофига сазовор бўлди. Ушбу тузилма доирасидаги ҳамкорлик ҳақидаги фикрларингизни ҳам билдирсангиз.***

— Ўтган 22 йил давомида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзаро ҳамжиҳатликни, тараққиёт ва шерикликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Ташкилот мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди: дастлабки олтита таъсисчи давлатдан тўққизта аъзо, учта кузатувчи ва мулоқот бўйича 14 ҳамкор давлатлардан иборат катта оилага айланди. ШҲТ доирасида барча томон мафкуравий, ижтимоий тизимлар ва ривожланиш йўлларидаги тафовутларни енгиб ўтди. Лекин доимо “Шанхай руҳи”га амал қиладилар, янги турдаги халқаро муносабатлар моделини ўрнатдилар, минтақада ва бутун дунёда хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва ривожланишни таъминлашнинг муҳим кучига айланди.

Хитой ва Ўзбекистон ШҲТнинг таъсисчилари сифатида кўп йиллар давомида бошқа аъзо давлатлар билан ташкилот доирасида хавфсизлик, иқтисодиёт, савдо ва одамлар алмашинуви каби турли соҳаларда алоқаларни фаол ривожлантириш мақсадида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг ШҲТга раислик даврида ташкилот ривожига қўшган муҳим ҳиссасини юқори баҳолайди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган Самарқанд саммити муваффақиятли якунланиб, унга минтақавий ва халқаро тартибни барпо этиш йўлида янги йўлнинг бошланишини белгилаб берди.

Кейинги қадам сифатида Хитой ШҲТ доирасида Ўзбекистон билан муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш ва ҳамкорликни кучайтиришга, миллий хавфсизлик ва минтақавий барқарорликни таъминлашга, тараққиёт ва тикланишни рағбатлантириш йўлида биргаликда ишлашга, шунингдек, барча мамлакатлар халқларига кўпроқ фаровонлик олиб келиш учун ШҲТнинг мустаҳкам ягона ҳамжамиятини барпо этишга тайёр.

***— Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим қисми бўлган маданий-гуманитар жабҳалардаги алоқаларга тўхталиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Бу борадаги ҳамкорлик ривожи ҳақида гапириб берсангиз. Ва, умуман олганда, ўзаро ҳамкорликнинг қайси соҳаларини энг истиқболли деб ҳисоблайсиз?***

— Сўнгги йилларда икки давлат ўртасида таълим, маданият, археология, туризм, оммавий ахборот воситалари ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик чуқурлашиб бормоқда. Айниқса, икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги шериклик суръати тезлашди. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институтлари очилди. Улар хитой тили бўйича 10 мингдан ортиқ мутахассисларни доимий равишда тайёрлайди. Мамлакатда хитой тилини ўрганишга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ўз навбатида, Хитойнинг кўплаб университетларида ўзбек тили курслари ва тадқиқот марказлари ташкил этилган. Хитой Самарқанддаги “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети билан ҳамкорликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Тяньцзинь давлат касб-ҳунар коллежи ва Тошкент давлат транспорт университети “LuBan Workshop” лойиҳасини Ўзбекистонда фаол равишда илгари сурмоқда. Ўтган ой Шэньси шаҳридаги кўплаб университетлар Ўзбекистонда олий таълим кўргазмасини тақдим этган бўлса, шу ҳафта Хитой Халқ университети Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорлик битимини имзолайди.

Маданият соҳасида иккала томон бир-бирлари учун санъат фестиваллари, кўргазмалар ва семинарлар каби бир қатор маданий ва бадиий тадбирларни ташкил этишди ва биргаликда “Баҳорнинг қувноқ байрами” ва “Хитой кўприги”ни нишонлашди.

Яқинда Ўзбекистонда “Хитой маданияти кунлари” бўлиб ўтади ва унда 100 кишидан иборат Шинжон бадиий труппаси йил давомида махсус театрлаштирилган томошаларни намойиш этиш учун юртингизга келади.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг кўплаб спорт турлари бўйича эришган муваффақиятлари, жумладан, яқинда Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида медаллар жамғариш бўйича бешинчи ўринни эгаллагани билан табриклайман.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги ҳам изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда Хитойнинг “CCTV” ва “China Movie Channel” Ўзбекистоннинг “Renessans” ва “ZOR TV” телеканаллари ўртасида кино ва драмалар телетрансляциялари соҳасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистонда Хитой кино ҳафталигини ўтказиш назарда тутилган. Хитой сўнгги йилларда ўтказилган “Ипак йўли гавҳари” Тошкент халқаро кино фестивалида “Адашаётган ер” ва бошқа кўплаб кино ва телеасарлар билан иштирок этди.

Икки давлат археологлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам чуқурлашиб бормоқда. Хитой томони кўмагида Хоразм вилоятидаги тарихий-маданий ёдгорликларни тиклаш ишлари муваффақиятли якунланди. Мингтепа ўрни ва Каунчин маданияти харобалари бўйлаб археологик қазишмалар олиб борилмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳрида археология ва маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича қўшма илмий-техник лаборатория очилди. Пекиннинг “Ёпиқ шаҳри”да ўтказилган “Бир макон ва бир йўл” археологик кўргазмасида Ўзбекистондан кўплаб маданий ёдгорликлар намойиш этилди ва улар Хитой жамоатчилигининг эътиборини тортди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик ва маданий салоҳияти хитойлик сайёҳларни тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда.

Хитой Раиси Си Цзиньпин цивилизацияларaро алмашинув ва ўзаро таълимни чуқурлаштириш тўсиқлар, тушунмовчиликларни бартараф этиш ва одамлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни рағбатлантиришнинг муҳим йўли эканини таъкидлаган эди. Умумий ривожланиш ва тикланиш манфаатлари, икки халқ ўртасидаги ўзаро англашув ва дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида Хитой Ўзбекистон билан глобал цивилизация ташаббусини амалга оширишда шерикликда ишлашга, дўстона ҳамкорликни кенгайтириш учун университетларни биргаликда қўллаб-қувватлашга, сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланишга, кўпроқ маданий ва бадиий тадбирларни ўтказишга, кадрлар алмашинувини кенгайтиришга, айниқса, ёшлар ўртасида гуманитар фанларнинг янги уфқларини очиш бўйича ҳамкорликка доим тайёр.

**«Дунё» АА.**

## Конференция

# МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ — ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

*Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқоти доирасида “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” мавзуидаги конференция Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтди.*

Нуфузли анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова маъруза билан иштирок этди.

Конференция доирасида уюштирилган тадбирларда қатнашчилар қуролли можаролар ва гуманитар офатларда хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда гендер зўравонликдан ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Сенатор Г. Маъруфова ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, кейинги йилларда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан хотин-қизларни турли тазйиқлардан ҳимоялаш ҳамда уларнинг жамиятда тенг ҳуқуқли ва фаол бўлиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

Шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида мамлакатимизда аёллар ва вояга етмаганларни турли тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш учун оилаларда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликлар жиноий ҳаракат, деб қаралишини таъминловчи қонун қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этиб келинаётир.

Ўз навбатида, вакилимиз Марказий Осиё давлатлари ўз мақсадларига эришиш ва мажбуриятларини амалга ошириши кераклиги юзасидан ҳам бир қатор таклифларни билдирди.

Тадбирда кенг қамровли мулоқот ва минтақавий ҳамкорлик мавжуд қарама-қаршиликларга ечим топиш, кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва эзгулик барқарорлиги ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш гарови эканлиги қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИНИ АСЛИДАЙ САҚЛАБ ҚОЛИШ ЗАРУР

*Сир эмас, кейинги йилларда юртимизда мавжуд маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муайян муаммо ва қийинчиликлар вужудга келмоқда. Бу, албатта, соҳада тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани билан изоҳланади. Натижада мазкур соҳа бошқарув тизимида ноаниқликларга йўл қўйилмоқда.*

## Ўрганиш

Бунга кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Истироҳат боғларини реконструкция қилиш, аттракционлар, савдо шохобчалари ва пулли хизмат кўрсатиш объектларини қуриш ёки бошқа важлар билан ҳудуддаги қимматбаҳо дарахт ва буталар аёвсиз кесиляпти. Оқибатда ўсимлик дунёси объектларига ўнглаб бўлмас даражада зарар етказиш ҳолатлари, афсуски, тез-тез учраб турибди.

Яқинда Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Б. Матмуратов “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси ҳамда истироҳат боғларидаги мавжуд ҳолатни пойтахтимиздаги “Локомотив” истироҳат боғи мисолида ўрганди.

Ўз навбатида, сенатор томонидан истироҳат боғидаги ўсимлик дунёси софлигини таъминлаш, юртимиздаги мавжуд барча истироҳат боғларини ўз ҳолида сақлаб қолиш лозимлиги ҳамда уларга таҳдид солувчи ҳар қандай фаолиятни тақиқлаш амалдаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганлиги эслатиб ўтилди.

Шунингдек, истироҳат боғларида яшил ҳудудларни кўпайтириш ва уларни экологик ҳамда санитар таҳдидлардан холи ҳудудга айлантириш чораларини кўриш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этиш, ҳар бир ўсимлик ва дарахт учун алоҳида агробиотехнологияларни доимий қўллаш, ўсимлик дунёси объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Борий Алихонов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ҳузуридаги Экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича экспертлар кенгаши йиғилиши ҳамда “Тоғли ҳудудларнинг барқарор ривожланиши” мавзуидаги халқаро форумда иштирок этди.*

## Анжуман

Эксперт кенгаши мажлисида ушбу тузилма фаолият йўналишлари, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ экологик муаммолар муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш чоралари аниқ белгилаб олинди.

Ҳамдўстлик давлатлари парламент аъзолари, олим ва экспертлар томонидан атроф-муҳитга зарари кучли бўлган объектларни фойдаланишдан чиқариш, уларни бартараф этиш йўллари, ҳудудлар экологик хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сенатор Б. Алихонов айтганидек, юртимизда миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада замонавий талабларга жавоб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Айни пайтда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи 30 дан ортиқ қонунлар ва 250 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги ҳам шундан далолат беради.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бу борадаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз парламенти аъзолари “Тоғли ҳудудларнинг барқарор ривожланиши” халқаро форумининг иккита ялпи мажлиси ва давра суҳбатларида ҳам қатнашди. Уларда давлат сиёсатини шакллантириш, тоғли ҳудудларни бошқариш, барқарор ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, форумда атроф-муҳитдан оқилона фойдаланиш, тоғли ҳудудларнинг биохилмахиллигини сақлаш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, тоғларда табиий офат жараёнлари хавфини камайтириш ҳамда тоғ ресурслари ва энергия манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ экологик-хўжалик муносабатларини оптималлаштириш масалалари таҳлилдан ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари тоғли ҳудудларда экологик муаммоларни ҳал этишнинг илмий-амалий масалаларини ўрганишга, илмий тадқиқотлар олиб боришга йигит-қизларни янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида илмий ишларнинг барча кўламини ўрганиш учун Халқаро ёшлар экологик марказини ташкил этиш таклифини билдирди.

Халқаро форум якунлари бўйича якуний резолюция қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# АДОЛАТЛИ ДУНЁ КОНЦЕПЦИЯСИ

## Ягона тақдирга эга инсоният ҳамжамиятини яратиш ғояси нимага таянади?

←1

Афросиёбда ўтказилган қазиш ишларида қалин тупроқ остидан бу шаҳарча ҳукмдорининг қасри ҳам топилган. Деворларда сақланиб қолган расмларда бундан деярли 1500 йил илгари юз берган воқеа — чет эллик меҳмонларни кутиб олиш маросими акс эттирилган. Суратнинг бир қисмида қўлида шойи ва ипак матолар тутган хитой делегацияси аъзолари ҳам акс эттирилган. Уни чизган номаълум рассом императорнинг ов пайтидаги жасоратини ажойиб тасвирлаган. Шунингдек, у қўриқчилари қуршовида қайиқда сузиб бораётган маликанинг назокатини ҳам моҳирона акс эттира олган.

Бугунги кунда эса Самарқанд ўзининг мўъжизакор, унутилмас манзараси билан дунё сайёҳларини ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда. Улар орасида Хитойдан келувчилар ҳам кўп — худди бир замонлар тарихий йўналиш жавоҳири сифатида савдогарларни шу ерга тортгани каби. Ҳозирги шароитларда Ипак йўли бўйлаб саёҳат қилиш жуда осон бўлиб қолди. Лекин бу саёҳатлар ҳам, қадимий йўлнинг ўзи ҳам афсонавий сеҳрини йўқотгани йўқ. Бошқача маданият ва тамаддун, турли анъаналари билан ажралиб турувчи одамлар билан мулоқот барча меҳмонларга ажиб лаззат бахш этади. Бу қадимий шаҳар айни замонда ҳаммага ягона тарих бирлаштириб турувчи инсонлар ва мамлакатлар ҳақида эслатиб турибди.

Дўстона ва ишончли муносабатлардан мақсад — тараққиёт ва фаровонлик, айнан шу ғоя эса бу муносабатларнинг асосини ташкил этади. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин шу ғоянинг долзарблиги ҳақидаги фикрни илгари сурди. Ягона тақдирга эга инсоният ҳамжамиятини қуриш концепцияси ҳақида гапирган Хитой етакчиси сўзларига кўра мазкур ғоя изланишлар йўлидаги башарият олдинга интилиши учун маёқ бўлади, шунингдек, энг яхши келажакни яратиш, умумий уйимизни биргаликда ҳимоя қилиш ва тараққиёт меваларидан бирга фойдаланиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни намоён этади.

### Минтақа учун аҳамияти

“Ипак йўли иқтисодий макони”ни қуриш ҳақидаги таклиф илк бора 2013 йилнинг сентябрида Марказий Осиёда янгради. Ўн йил ичида “Бир макон, бир йўл” ташаббуси муайян режага ва халқаро ҳамкорликнинг йирик платформасига айланди.

Ўтган йиллар давомида “Макон ва йўл” доирасидаги ҳамкорлик ўзаро маслаҳатлашувлар, биргаликда қуриш ва фойдаланиш тамойиллари билан ажралиб турди. Катта натижаларга ҳам эришилди. Ташаббусни рўёбга чиқаришда дунё мамлакатларининг тўртдан уч қисми қатнашди, уч мингдан ортиқ қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Деярли бир триллион доллар миқдоридаги сармоялар жалб этилди ва бу йўналиш атрофида жойлашган мамлакатларда 420 мингта иш ўрни яратилишига имкон берди.

Хитой Медиакорпорацияси ва Хитой халқ университети томонидан “Новая эра” коммуникациявий тадқиқотлар халқаро институти кўмагида ташаббус иштирокчиси бўлган 35 та мамлакатнинг деярли 4 минг нафар аҳолиси ўртасида ўтказилган глобал сўров натижалари кўрсатишича, уларнинг 93,8 фоизи лойиҳани амалга ошириш бўйича ўн йилда эришилган ютуқларни ижобий баҳолашди.

Сўров натижаларига кўра қатнашчиларнинг 92,2 фоизи ривожланган инфратузилма иқтисодий ўсиш учун зарур шартдир, деб ҳисоблайди. Унинг бунёд этилиши одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, дея жавоб берди сўровда иштирок этганларнинг 86,9 фоизи. Яна тахминан шунча қатнашчи — инфратузилма уларнинг мамлакати тараққиётини тезлаштирди, деган жавобни берди.

Сўров қатнашчиларининг 85 фоизи “Макон ва йўл” доирасида одамларда ташқи дунё билан мулоқот ва ўзаро таълим олиш учун имкониятлар кенгайганини тасдиқлашди. Кўпчилик тан олганидек, бундай ўзаро ҳамкорлик бандлик даражасининг ўсишига, аҳоли даромадларининг кўпайишига, камбағалликнинг қисқаришига хизмат қилади.

Яна бир бошқа ижтимоий сўров 35 мамлакатнинг 4 минг нафар ёшлари ўртасида ўтказилган. Унинг кўрсатишича, янги авлод вакиллари ҳам “Макон ва йўл” ташаббусининг асосий концепциясини ва унинг сўнгги ўн йилликда эришилган натижаларини ижобий қабул қилишади. Сўровда қатнашган 18 — 24 ёшли иштирокчиларнинг 88,8 фоизи Ипак йўли руҳини юксак баҳолайдилар, бу руҳ тинчлик ва ҳамкорлик, очиқлик ва инклюзивлик, ўзаро таълим ва ўзаро манфаат билан ажралиб туради.

Бизнинг минтақамиз ҳам юзага келган анъаналардан четда қолмади, мегалойиҳада қатнашиш фойдали бўлди. “Talap” амалий тадқиқотлар маркази директори Раҳим Ошакбаевнинг фикрича, Марказий Осиё “Макон ва йўл” ташаббусини рўёбга чиқариш жараёнида ҳал қилувчи реципиентдир. Қозоғистонлик эксперт фикрича, унинг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек, инвестициялар ва инфратузилмавий лойиҳалар минтақа мамлакатлари учун аҳамиятлидир. Ягона тақдирга эга инсоният ҳамжамияти бугунги кунда жуда зарур, у тенг ҳуқуқли, адолатли дунё тузилишини бунёд этишга ноёб ёндашувдир. У инсонпарварлик, адолат ва тенглик тамойилларига таянади, бунда ҳеч бир мамлакат бошқасига ким билан савдо қилиш, молиявий ишларни қандай олиб бориш, ким билан дўст бўлиш ҳақида кўрсатма бермайди.

Хитой жорий йилнинг июнь ойигача “Макон ва йўл” ташаббуси доирасида бешта қитъада жойлашган 150 дан зиёд давлатлар ва 30 дан ортиқ халқаро ташкилотлар билан 200 тадан кўпроқ битимларни имзолади.

“Агар бой бўлмоқчи бўлсанг, йўллар қургин”, деган хитойча ҳикматли сўзлардан бирини кўпчилик билади. Бу соҳада ҳамкорлик қандай ривожланаётганига ёрқин мисоллардан бири Ангрен — Поп темир йўлининг қурилиши бўлди. ХХР Давлат Кенгаши матбуот-девонхонаси томонидан чоп этилган “Ягона тақдирга эга инсоният ҳамжамиятини ҳамкорликда қуриш: Хитой ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари” деб номланган Оқ китобда ёзилишича: “Хитойлик қурувчилар 900 кунда шундай мўъжиза яратдиларки, у туфайли поезд тоғ йўлини 900 секундда босиб ўтади”. Темир йўлнинг қисмларини бирлаштириш учун баланд тоғлар устида “Қамчиқ” туннелини бунёд этиш керак бўлди. У Марказий Осиёда энг узун туннелдир.

### Нафақат савдо ва иқтисодиёт

Албатта, ташаббус фақат йўллар билан чекланиб қолмайди. 150 мамлакатни бирлаштирган “Макон ва йўл” глобал савдо-иқтисодий лойиҳа доирасидан анча кенгроқ. Ягона тақдирга эга инсоният ҳамжамияти ривожланаётган ва кичик мамлакатларга ҳам қитъалараро ва бутун дунё жараёнларига интеграциялашуви туфайли халқаро майдонда дадилроқ ҳаракат қилиш имкониятини беради. Шундай қилиб, нафақат уларнинг салоҳияти, савдо шериги сифатида инвестицияларининг жозибадорлиги тўлароқ намоён бўлади, балки уларнинг овози ҳам глобал сиёсий маконда баландроқ жаранглайди.

Хитой томонидан илгари сурилган ва дунёнинг кўпгина давлатлари қўллаб-қувватлаган ташаббуслар туфайли, бундан аввалги ўн йиллик анчагина ютуқлар билан ажралиб турди. “Макон ва йўл” доирасида халқаро ҳамкорлик бўйича учинчи форум — бу ўтган даврнинг ютуқларини умумлаштириш учун ажойиб имконият.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев айни вақтда ушбу форумда қатнашиш ҳамда икки томонлама учрашувлар ўтказиш учун Пекинда бўлиб турибди. Асосий тадбирлар бугун, 18 октябрь куни Тяньаньмэнь майдонидаги Халқ мажлислари уйида бўлиб ўтади. Умумий мажлисни ХХР Раиси Си Цзиньпин очиб беради.

Шу кунларда яна турли қитъалардан келган “ақл марказлари” вакиллари ва экспертлар иштирокида семинарлар бўлиб ўтади. Хитойнинг турли шаҳарларини қамраб олган маданий тадбирлар дастури ҳам режалаштирилган ва бўлиб ўтмоқда.

Масалан, Шэньси провинциясининг маркази — Сиань шаҳрида 9-чи халқаро “Ипак йўли” санъат фестивали очилди. Унда қатнашиш учун 90 та мамлакат ва минтақадан санъаткорлар ташриф буюрган. Ушбу тадбир театр намойишларидан бошлаб то тасвирий санъатгача бўлган йўналишларни ўз ичига олади.

Пекин кўргазмалар марказида эса “Шарқдан чиқадиган беш юлдуз” деб номланган халқаро тасвирий санъат кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унинг ташкилотчиси — Хитой маданият ва санъатни ривожлантириш уюшмаси. Ушбу кўргазма “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг ўн йиллик натижаларини акс эттиради.

**Руслан КЕНЖАЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**
Пекин

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеяси 25-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи, унда илгари сурилган бир қатор муҳим ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятига кенг тўхталиб ўтилди. Туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқларидан бири экани, мамлакатимизда ҳам ушбу йўналиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар доирасида мазкур тармоқни ривожлантиришга устувор эътибор қаратилаётгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, мажлисда депутатлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва улар ҳуқуқлари ҳимояси, одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, биринчи ва иккинчи ўқишда қабул қилинди.*



## Жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди

Депутатлар **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама этдилар.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ишончли ҳимоялаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жиноятларнинг барвақт олдини олишда янгича ёндашув ва янги иш услублари татбиқ қилинди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг айрим нормаларига қўшимчалар киритилмоқда. Яъни тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш тартибини аниқлаштириш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тезкор-қидирув тадбирлари ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда кибермаконда ва (ёки) унинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин эканлиги назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунга жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш ва қидириш, шунингдек, жазони ўташдан бўйин товлаётган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни қидириш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан бепул фойдаланишга доир ички ишлар органларининг ҳуқуқларини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Бундан ташқари, “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонун ҳам жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча билан тўлдирилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини янада ишончли таъминлашга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича тадбирлар самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Вакил девонининг ҳуқуқий мақоми янада кучайтирилмоқда

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девонига ҳуқуқий мақом беришга қаратилган — **“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Давлат ва бизнес ўртасида самарали мулоқот ўрнатишга қаратилган бир қатор институциявий ва тузилмавий ислоҳотлар амалга оширилди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизмлари жорий этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг давлат органи сифатидаги мақоми аниқлаштирилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Ҳужжатдаги айрим нормалар юзасидан турли масалалар ўртага ташланди ва уларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олинди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади

**“Давлат хизматлари кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси ҳам қуйи палата мажлисида муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат ташкилотлари томонидан аҳолидан, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларидан жами 15 та (диплом, лицензия, рухсатнома, давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа) фактларни тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни талаб этиш бекор қилинмоқда.

Шунга кўра, 13 та қонунга фактларни тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни талаб этмаслик бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан ташқари, адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини БҲМнинг икки бараваридан бир бараварига камайтириш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиляпти.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат хизматлари сифатли кўрсатилишини таъминлашга, турли тоифадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга, идораларда фуқаролар ҳақидаги маълумотлар ягона идентификаторлар асосида сақланиши учун ҳуқуқий асослар яратишга йўл очади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Одил судловдан фойдаланиш имконияти янада кенгаяди

**“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқароларга янада қулай шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Қонун лойиҳаси билан фуқароларга давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарор ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилганда БҲМнинг 70 фоизи миқдорида давлат божи тўлаши назарда тутилмоқда.

Таклиф этилаётган нормалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимояланишини таъминлашга, шунингдек, одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Давлат божини тўлашда имтиёз бериляпти

**“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларга шикоят қилиш тартиби соддалаштирилиши муносабати билан қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мажлисда қайд этилганидек, мамлакатимизда суд тизимини демократлаштириш, судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан суд органлари фаолиятига оид, шунингдек, шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга оид бир қатор конституциявий кафолатлар белгиланди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш мақсадида маъмурий судларга шикоят беришда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан давлат божини ундирмаслик, бунда давлат божини ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартибини жорий этиш белгиланаётир.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси фуқароларнинг Конституцияда белгиланган суд орқали ҳимоя қилиниш ва судга шикоят бериш ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтиришга, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя этишга, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

---

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

# ЯНГИЛАНИБ БОРАЁТГАН КЎҲНА ВА БОҚИЙ ШАҲАР

*Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Самарқанд шаҳрида ҳам аҳоли ва меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик — кўп қаватли уйлар, кенг ва равон йўллар қуриш, ободонлаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция ва модернизациялаш ишлари жадал олиб борилмоқда.*

Хусусан, Самарқанд шаҳри инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган инвестициявий лойиҳа асосида иккита туннель, иккита кўприк, йўллар ва сув иншоотлари қурилмоқда. Мазкур лойиҳа учун давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан катта миқдорда кредит маблағлари ажратилди.





Айни чоғда шаҳарнинг Гагарин ва Мирзо Улуғбек кўчалари кесишмасида қазиш ишлари олиб борилиб, узунлиги 44 метр бўлган туннель қурилишига киришилган. Ушбу лойиҳа “Меъмор Ўткир Човка ЛЛС” (Ўзбекистон) & “Shaanxi Road and Bridge Group Co., Ltd” (Хитой) консорциуми томонидан амалга оширилмоқда.

— Қурилиш ишларида хитойлик ва туркиялик малакали мутахассислар яқиндан ёрдам беряпти, — дейди лойиҳанинг техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси Алишер Умидов. — Ҳозиргача эски коммуникация тармоқлари хавфсиз ҳудудга кўчирилди. Ҳудудни тозалаб, ҳандақ кавлашда ер остида кўмилиб кетган, бироқ айни пайтда ишлаб турган коммуникация ва оқова, электр энергияси тармоқларини чиқариб олиш бироз қийин. Бунда бизга махсус техникалар ва тажрибали мутахассислар ёрдами қўл келмоқда.

Қайд қилинган лойиҳа доирасида Амир Темур кўчасининг 2,3 километр ҳамда Гагарин кўчасининг 9,2 километр қисми қурилиб, реконструкция қилинади. Шу кунларда Амир Темур кўчасидаги ишлар деярли якунига етказилмоқда.

— Шаҳарнинг Мулён-2 маҳалласида яшайман, — дейди фуқаро Нарзиқул Шодиев. — Жуда кўп йиллардан бери табиий газ босимининг пастлигидан қийналар эдик. Мажбурликдан охирги пайт суюлтирилган газ баллонларидан фойдаландик. Мана, эндиликда янги газ қувурлари тортилиб, табиий газ таъминоти яхшиланди. Бундан ниҳоятда мамнунмиз.

Кўҳна ва боқий шаҳар ўзига хос жозибаси билан меҳмонларни мафтун этади. Шу маънода, Самарқанд шаҳри йирик халқаро анжуман ва учрашувлар, форумлар ўтказиладиган марказга айланиб улгурди.

Биргина мисол, кўзни қувонтирадиган “Silk road Samarqand” халқаро туризм маркази комплексининг барпо этилганлиги натижасида Самарқанд шаҳрига келувчи хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳлар сони сўнгги икки йилда ўтган даврлардагига нисбатан 5 баробарга ошган. Ўтган йили ушбу қадим шаҳарга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 4,2 млн. нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилда улар сафи 10 миллионга етиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, марказ бугунги кунда янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси сифатида ишбилармонлик ҳамда бизнес туризмини ривожлантиришга туртки бўладиган йирик халқаро тадбирлар, бизнес форумлари ва халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.

Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг “Иқтисодий чидамлилик ва барқарорликка инвестициялар киритиш” мавзуидаги 32-йиллик йиғилиши ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманлар муваффақиятли ўтказилди.

Шу кунларда Самарқанд яна дунё нигоҳида. Чунки тарихда илк бор 16 — 20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида юзлаб давлатлардан туризм йўналишида фаолият юритувчи давлат идоралари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва сайёҳлик бизнеси вакилларини бирлаштирган Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-юбилей сессияси бўлиб ўтаётир. Бунда ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Самарқанднинг туризм салоҳиятини янада ошириш, туризм намойиш объектлари ва уларга ёндош ҳудудларнинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Шоҳи Зинда мажмуаси, Биби Хоним масжиди ва мақбараси, Регистон ансамбли, Амир Темур мақбараси, Ашратхона мақбараси, Маҳдуми Хоразмий масжиди, Руҳобод мажмуаси, Хўжа Дониёр мақбараси, Оқсарой мақбараси, Дари Занжир мажмуаси ва Самарқанд археологик тадқиқотлар институтида 14,8 млрд. сўмлик реставрация ишлари амалга оширилиб, моддий-маданий мерос объектларининг жозибадорлиги сақлаб қолинди, уларга элтувчи йўллар ободонлаштирилди. Сайёҳлар гавжум масканлар ва уларга туташ ҳудудлар атрофида WI-FI нуқталари ташкил этилди.

Дарвоқе, Самарқанд халқаро аэропорти реконструкция қилингач, йиллик йўловчилар оқимини 1,5 миллионга етказиш, аэропортни минтақадаги йирик хабга айлантириш мақсадида “очиқ осмон” режими ва “бешинчи ҳаво эркинлиги” ҳуқуқи жорий этилди. Бунинг натижасида 2021 — 2025 йиллар давомида йўловчилар сонини соатига 350 дан 600 нафарга ошириш, мунтазам авиақатновларни ҳафтасига 40 тадан 280 тага етказиш, йўловчилар сонини йилига 165 мингдан 1,5 миллион нафарга ошириш имконияти яратилди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

---

# МУҲОКАМАЛАР, ТАҚДИМОТЛАР ВА КЕЛИШУВЛАР

*Хабар берилганидек, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси иккинчи куни ҳамда унинг доирасидаги тадбирлар мазмунан бой ва қизғин кечди.*

*Хусусан, “Silk road Samarqand” халқаро туризм мажмуасининг “Экспомарказ”ида мазкур халқаро анжуман доирасида Глобал инвестиция форуми ва кўргазма ташкил этилди. Унда вазирлар, халқаро молия институтлари раҳбарлари иштирокида муҳокамалар, панель сессиялар, қатор тақдимотлар ўтказилди.*

## Халқаро форум

“Экспомарказ”да мамлакатимиз 14 та ҳудудининг туристик-инвестициявий салоҳиятини акс эттирувчи, учта туристик-рекреацион зона — Зомин, Чорвоқ, Чимён ҳудудлари, Марказий Осиё давлатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг, шунингдек, Япония, Чехия, Франция ва Бразилиянинг тўртта стартап лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Туризм қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекистон аэропортлари” АЖ ва “Ўзбекистон вертолётлари” МЧЖ стендлари ташкил этилди.

Эътиборлиси, юздан ортиқ давлатлардан вакиллар, шу жумладан, йирик хорижий инвестор ҳамда маҳаллий компаниялар Бош ассамблеянинг расмий веб-сайтидаги махсус ҳавола орқали рўйхатдан ўтиб қатнашди.

Форум доирасида умумий қиймати 2 млрд. долларлик истиқболли лойиҳалар манзилли рўйхати шакллантирилиб, инвесторларга тақдим қилинди.

— Инвестиция форуми ва кўргазма доирасида вилоятдаги биргина тур компаниянинг ўзи Хитой ҳамда Россия билан 32 миллион долларлик шартнома имзолади, — дейди Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Хуршид Аҳмедов. — Бу юртимизда туризмни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасидир. Вилоятда келгуси йилда хорижлик сайёҳлар сонини 500 минг нафарга, маҳаллий сайёҳлар сонини 3 миллионга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун бугунги яратилган мана шундай имкониятдан фойдаланиб, хорижий тур компаниялар ва инвесторлар билан кўплаб келишувларга эришамиз, деб ўйлайман. Шу боис бу ерда Фарғонанинг туристик салоҳиятини кенг намойиш этишга ҳаракат қиляпмиз.

Инвестиция форумида Ўзбекистоннинг барча ҳудудидаги инвестициявий салоҳияти юқори бўлган объектлар, лойиҳалар бўйича йирик хорижий инвесторларга тақдимот қилиниб, юртимизга фаол мақсадли ва манзилли инвестициялар жалб этилиши бўйича кўплаб муҳим бизнес келишувларга эришилмоқда.

— Ўзбекистон жуда гўзал мамлакат, одамлари меҳмондўст, — дейди Хитойнинг “Shansi” туристик корпорацияси директори Зоу Бинг. — Ўзбекистон ва Хитой сайёҳлик алмашинувини кенгайтиришдан манфаатдор. Ҳар иккала мамлакат ушбу соҳадаги ҳамкорлик учун катта салоҳиятга эга, тарихий обидаларга, миллий қадриятларга бой. Бугунги форумда келгусидаги режаларни келишиб олдик.



Таъкидлаш керакки, форум давомида бўлиб ўтган муҳокамалар, панель сессиялар, тақдимотларда янги имкониятларни ишга солиш, бу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор фикрлар билдирилди. Форум туризм секторидаги имкониятларни ўрганиш учун глобал манфаатдор томонларни, саноат раҳбарларини ва инвесторларни бирлаштирди.

— Иштирокчи давлатлар учун ҳар томонлама манфаатли бўлиши кутилаётган мазкур халқаро тадбирда қатнашаётганимдан хурсандман, — дейди исландиялик иштирокчи Ҳжортур Смарасон. — Самарқандда, умуман, Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Глобал инвестиция форумида Самарқанд вилоятидаги бир нечта туманларнинг туризм салоҳияти билан танишдим ва қатор келишувларга эришяпмиз. Қўшработнинг тоғлар орасидаги дам олиш масканлари, Иштихоннинг балиқчилик хўжаликлари билан яқиндан танишишга қарор қилдик.

Маълумот учун айтиш керакки, Глобал инвестиция форуми ҳамда кўргазма давом этмоқда.

— Халқаро тадбирнинг очилиш маросимида қатнашиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқини катта ҳаяжон билан тингладим, — дейди молдовалик эксперт Абдулла Масум. — Бу нутқ дунёдаги барча туризм манзиллари ривожи учун муҳим ҳисобланади. Айниқса, соҳанинг ҳозирги ҳолати ва келажакдаги режаларига урғу берилди. Ўзим ҳам туризм манзилларига, қадимий обидаларни бориб кўришга жуда ҳам қизиқаман. Ўзбекистон, айниқса, Самарқанд ана шундай тарихийликка бой ҳамда Буюк Ипак йўлида муҳим аҳамиятга эга. Бой маданияти, ўзига хос урф-одатлари, меъморий обидалари барча сайёҳларни ўзига ром этади. Бугунги форум ва кўргазмаларда ҳудуднинг туристик салоҳияти яна бир бор намойиш этилди. Бу барча учун ҳам қизиқарли, ҳам манфаатлидир.

Дарвоқе, “Silk Road Samarkand” халқаро туристик марказидаги “Боқий шаҳар”да гастрономик фестиваль ҳам ўтказиляпти. Республикамизнинг барча вилоятидан келган энг яхши ошпазлар ўзбек миллий таомларини тайёрлаш бўйича ўз маҳоратини намойиш этишяпти. Бу хорижлик ва маҳаллий иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

**«Халқ сўзи».**

---

# ҚЎШМА САЙЁҲЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ЯРАТИШ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛАДИ

*Шу кунларда Самарқанд шаҳри яна бир нуфузли халқаро анжуман — Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессиясига мезбонлик қилмоқда. Унда 140 дан зиёд мамлакатлар вакиллари иштирок этмоқда.*

## Муносабат

ЮНВТО ўзининг бош тадбири учун Самарқандни танлагани бежиз эмас, бунда чуқур рамзий маъно бор. Ушбу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар азал-азалдан тарихий учрашувлар ва цивилизациялар алмашинуви маркази бўлиб келган. Бу ерда турли маданиятлар ўзаро учрашиб, бир-бирини тўлдириб, бойитиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунга мисол сифатида ўрта асрларда фаолият юритган Буюк Ипак йўлини эслашнинг ўзи кифоядир.

Ҳозирги кунда ҳам “Шарқ гавҳари” бўлмиш Самарқанд мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ва дипломатик ташаббусларини илгари суриш учун ўзига хос платформа вазифасини ўтамоқда. Сўнгги йилларда бу ерда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор тадбир ва анжуманлар ўтказилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Масалан, “Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференция



(2017 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми (2018 йил) Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми (2020 йил), ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши саммити (2022 йил) каби қатор йирик форумлар айнан Самарқандда ўтказилди.

Айтиш жоизки, ЮНВТОнинг Самарқанд анжуманига қизғин тайёргарлик кўрилди. Саммит доирасида Ўзбекистоннинг барча ҳудуди сайёҳлик салоҳиятини намойиш қилувчи кўргазманинг ташкил этилгани айни муддаодир. Бу анжуманга ташриф буюрган меҳмонларда Ўзбекистон, унинг бетакрор ва ноёб дурдоналари ҳамда туристик салоҳияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессиясидаги нутқида соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Президент ўз чиқишида мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги ютуқлари билан ўртоқлашар экан, бу борадаги истиқболли вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Ту-



ризмнинг нафақат кўҳна тарихий обидалар йўналиши ҳақида, балки зиёрат туризми, “яшил”, яъни экологик туризм, инклюзив туризм каби йўналишларини ривожлантириш долзарблигини қайд этди.

Мамлакатимиз етакчиси БМТ доирасида Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқишни таклиф қилди ҳамда яқинда Самарқандда очилган туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича дунёда муқобили йўқ ЮНВТО Халқаро туризм академиясида мутахассисларни ўқитиш учун махсус грантлар ажратилишини эълон қилди.

Айниқса, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан туризм соҳасида ҳамкорликда турли лойиҳаларни йўлга қўйиш яхшигина истиқболга эгалигини алоҳида таъкидлади. “Марказий Осиё давлатлари билан қўшма сайёҳлик йўналишларини яратиш масалалари диққат марказида бўлади”, деди Президент.

Мухтасар айтганда, ушбу нуфузли халқаро анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши ва унда Ўзбекистон ташаббусларининг эълон қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимизнинг халқаро обрў-нуфузини мустаҳкамлашга ва пировардида, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган. Эндиги вазифа ушбу ташаббусларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этишдан иборат. Бу, энг аввало, давлат бошқаруви органлари, хусусан, ижро ҳокимиятидан барча имкониятни сафарбар қилишни, депутатлардан эса бу борада депутатлик ва парламент назоратининг таъсирчан механизмларини кучайтиришни тақозо этади.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

# АЗАЛИЙ СУЮК, АБАДИЙ БУЮК

*Бугун мамлакатимизда ўзбек тилининг "давлат тили" деган олий рутбасига ва унинг янада мустаҳкамланишига муносиб мунтазам ва муҳташам ишлар олиб борилмоқда. Бу кўламли ишлар, самарадор саъй-ҳаракатларнинг зимну замини, асл ҳадафи Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 21 октябрдаги ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидланган қуйидаги ва асло эскирмайдиган чўнг ҳақиқатнинг табиий тақозосидир: "Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир... Она тилимиз миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир".*

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда 1989 йилда қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг мағзу моҳиятига мувофиқ шаклланган одил ва холис тил сиёсатининг устуворлиги жамият аъзоларининг ҳамжиҳатлигига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Президентимиз раҳнамолигида ўзининг озод ва обод сўзи билан, бу сўзга монанд кўламли, самаралари нақд фаолияти билан ўзлигини дунёга намойиш этаётир. Ўзбек тилининг дунё минбарларидан ҳам янграётгани халқимиз кўнглига адоқсиз фахр-ифтихор солмоқда.



Тил — миллат деган бикир бирлик-бутунликнинг азалий тамал тошидир, унинг бой берилиши миллатнинг ҳам бой берилиши билан баробар. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун Ер юзида 6909 та, яхлитлаб айтганда, етти мингга яқин тиллар бор. Бу тилларнинг ҳар бири тегишли миллат ёки қавмнинг борлиги, бирлиги ва бутунлигидан иборат боқий бахтининг букилмас тахти, тамоман ўзига хос тафаккур ва тахайюл интизомининг тарҳи, ўзгадан қарзга олмаган изчил идрок тарзидир. Одамни, оламни ва Аллоҳни танимоқдай машаққатли ва шарафли йўлнинг аввал-охир чароғбони ҳам шу тилдир. Дунёда ўзининг кимлигини англаш, қавмининг ҳамияти ва ҳурлигини кўриш туйғуси ҳам, аввало, тил туфайли пойдордир. Она тилининг инсон ақлий ва маънавий-руҳий дунёсининг таянчи эканлигидан иборат ҳақиқатни ҳуши ўзида бўлган одамларнинг барчаси эътироф этади.

Ҳақиқатан ҳам, тил миллат борлиги ва бирлигининг боқийлигини таъмин этадиган, халқ тафаккур тарзининг тамалида турадиган, қавмнинг қалби қаъридаги қиёссиз қудратни соғлом сақлайдиган, миллий маънавият, миллий ўзлик деган теран тушунчаларнинг тириклигига тиргак тутадиган беназир бир восита. Қайси қавмга мансуб бўлишидан, қанча тил билишидан, қайси замон ва маконда яшашидан қатъи назар, инсон боласи, энг аввало, ўз она тили орқали ўзини билдиради ва бу кўҳна дунёнинг сиру синоатини инкишоф қилади. Курраи заминнинг турли минтақаларида кашфиёт йўлининг мунтазам машаққатларидан ҳузур туйган, қилни эмас, тил тилсимини қирқ ёриб, бу неъматнинг моҳиятига заррабин тутган алломалар (масалан, олмон Вильгельм фон Гумбольдт, америкалик Бенжамин Ли Уорф, япон Таданабу Цунода ва бошқа)нинг хулосаларидаги муҳим бир жиҳатни шундай умумлаштириш мумкин: инсон дунёни кўзи билан эмас, балки тили билан кўради! Бошқача айтганда, ҳар бир тил вакили дунёни ўз тили мантиғидан келиб чиқиб фарқли тарзда кўради, эшитади ва идрок қилади.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида анчайин барқарорлашиб бораётган антропоцентрик ёндашувга кўра, инсоннинг тафаккури, ташқи дунёни идрок этиши бевосита тил билан боғлиқ. Бундай қараш олмон олими В. Гумбольдтнинг қуйидаги гапларида янада аниқ ифодаланган: "Тиллар нафақат билинган ҳақиқатларни ифодалаш воситаси, балки илгари билинмаган ҳақиқатларни очиш воситаси ҳамдир. Тиллар ўртасидаги фарқ фақат товушлар ва белгиларнинг турличалигида эмас, балки дунёни кўришнинг фарқлилиги билан ҳам боғлиқдир".

Шулар эътиборга олинса, қандай объектни ўрганишидан қатъи назар, фаннинг, фан тилининг миллийликдан, миллий тафаккурдан тамоман мосуво бир ҳодиса сифатида талқин қилиниши унчалик ҳам тўғри эмаслиги аён бўлади. Бу ўринда америкалик таниқли тилшунос Б. Уорфнинг "Агар Ньютон хопи индейслари тилида гапирганда эди, унинг физикасидаги олам манзараси бошқача бўлган бўларди" деган гапини ҳам эсга олиш фойдадан холи бўлмайди. Бундай мулоҳазаларни аниқ фанларга нисбатан ҳам, ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Буюк файласуф Аристотелнинг мантиқ фани тизимини дунё олимлари айни шу нуқтаи назардан кўпдан бери танқид қилишади. Масалан, инглиз олими А. Г. Сейс 1900 йилда "Агар Аристотель мексикалик бўлганида эди, унинг мантиқ системаси бутунлай бошқача шаклни олган бўларди" деб ёзган. Олмон олими Ф. Маутнер эса 1902 йилда бу фикрни яна ҳам кескин тарзда айтган: "Аристотелнинг бутун мантиғи (логикаси) юнон грамматикасига муайян бир нуқтаи назардан қарашдан бошқа нарса эмас. Агар Аристотель хитойча ёки дакота ҳиндулари тилида гапирганида эди, муқаррар равишда бошқача мантиқ тизимини яратган бўларди".

Рус тилининг машҳур изоҳли луғатини яратган Владимир Далнинг, отаси даниялик, онаси эса олмон аёли бўлган атоқли олимнинг мана бу эътирофи диққатга сазовор: "На майл-истак, на диний ишонч, на аждодлар қони инсоннинг у ёки бу халққа мансублигини тайин этади... Ким қайси тилда ўйласа, у ўша халққа мансубдир. Мен рус тилида ўйлайман".

Ҳақиқат шуки, тил миллатнинг тамалини тайин этадиган, ақлий-руҳий илигини соғлом сақлайдиган, асрлардан-асрларга тўзғитмай олиб ўтадиган, ҳамиша тамаддун отлиғ аршнинг олий пиллапояларига олиб чиқадиган қиёссиз қудратдир. Умуман, инсон деган мақомнинг бош таянчи ҳам айнан тилдир. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин, Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин" деган ҳикматангиз байтида ана шу азалий ҳақиқат расо ва беқиёс бир тарзда ўз ифодасини топган.

> ***Тил — миллат деган бикир бирлик-бутунликнинг азалий тамал тошидир, унинг бой берилиши миллатнинг ҳам бой берилиши билан баробар. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун Ер юзида 6909 та, яхлитлаб айтганда, етти мингга яқин тиллар бор. Бу тилларнинг ҳар бири тегишли миллат ёки қавмнинг борлиги, бирлиги ва бутунлигидан иборат боқий бахтининг букилмас тахти, тамоман ўзига хос тафаккур ва тахайюл интизомининг тарҳи, ўзгадан қарзга олмаган изчил идрок тарзидир. Одамни, оламни ва Аллоҳни танимоқдай машаққатли ва шарафли йўлнинг аввал-охир чароғбони ҳам шу тилдир.***

Ўзбек тили бу кўҳна курраи заминдаги энг бой ва қадимий тиллардан бири, унинг илдизлари бениҳоя бақувват, ифода имкониятлари сарҳадсиз, аждодларимизнинг дунё адабиёти ва маданиятининг тўрида қўр тўкиб турган беназир сўз дурдоналари бунинг холис шаҳодатидир. Бу тилда сўзлашувчилар миқдори кундан-кун ортиб, ўзбек тилининг ҳақиқий муҳиблари, чинакам дўстлари сафи тобора тўлғинлашиб бормоқда — қарийб эллик миллион киши бу тилдан фойдаланмоқда. Шавкатли янги Ўзбекистонимизда ўзбек тили давлат тилидай залварли мақоми билан табиий ва қонуний тараққиёту такомил йўлидан бормоқда.

Мамлакатимизда, ҳеч бир истисносиз, барча соҳа ва жабҳаларда такомилу ривождай мунтазам муддао-мақсадни кўзлаган беҳад кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, уларнинг натижалари барчамизнинг кўзимиз ўнгида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 20 декабрида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мамлакатимизда эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб, кейинги йилда қилинажак ишларнинг аниқ тарҳини батафсил чизиб берди. Давлатимиз раҳбари 2023 йилни юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном бериш таклифини айтар экан, бу таклифнинг боисини шундай изоҳлади: *"Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён".* Президентимиз қайси бир долзарб муаммо ҳақида гапирмасин, албатта, тилимиз равнақига ҳам алоҳида диққатимизни қаратади, мазкур Мурожаатномада ҳам "миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилиши"ни алоҳида таъкидлаган эди.

Ана шундай мунтазам ва муҳташам эътибор боис тил илми, тил таълими, тилнинг амалий жиҳатларига дахлдор ишлар кўлами кенгайиб, юртимиз тилшунослари томонидан давр талабига мувофиқ кўплаб илмий-назарий ва илмий-амалий тадқиқотлар, долзарб ишланмалар яратилмоқда. Ўзбек тилининг мустақиллик давридаги тараққиёти тамойиллари, нутқий услублардаги меъёрий-эстетик расолашувлар қонуниятлари, нутқ маданиятидаги муҳим муаммолар тадқиқига бағишланган назарий тадқиқотлар юзага келмоқда. Хусусан, ўзбек тилидаги 80 мингдан ортиқ сўзларни ўз ичига олган, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида бу йил нашр қилинган олти жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" кенг жамоатчилик томонидан ўзбек луғатчилигининг жиддий ютуқларидан бири сифатида эътироф этилди. Зотан, француз адиби Анатоль Франснинг "Луғат алифбо тартибидаги бутун оламдир" деган гапи асло муболаға эмас. Луғатлар — дунё, жамият ҳаётининг ойнаси, зотан, тилнинг сўз бойлиги бениҳоя сезгир барометр сифатида халқ ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришларни акс эттиради. Шунинг учун ҳам энг қадимги даврлардан бошлаб дунё тилшунослик тафаккури тарихида луғат ва луғатчилик дейиладиган фаолият алоҳида ўрин тутади. Айниқса, Шарқда луғат тузишдай савобли юмушга катта ҳурмат билан қаралган. Бу ўринда аҳли олам эътирофини қозонган Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби кўплаб улуғ алломаларимиз номини ифтихор билан тилга олиш мумкин.

Эътироф этиш жоизки, бизда луғатчилик анъаналарининг илдизлари беҳад қадим ва бақувват. Албатта, луғатларнинг барча тури тил тараққиёти ва муҳофазасида муҳим, аммо улар орасида изоҳли луғатларнинг ўрни ва аҳамияти фавқулодда ўзгачадир. Изоҳли луғатларни ҳар қандай тилнинг бош луғати дейиш мумкин, чунки уларда сўз маъносининг тавсифи билан бир қаторда сўзнинг келиб чиқиши, тўғри ёзилиши, тарқалиши, услубий нозикликлари, фонетик-маъновий тадрижи, ўз ёки бошқа тиллардан ўзлашганлиги, ҳудудий мансублиги каби жиҳатларга дахлдор маълумотлар ҳам ўрни билан жой олади. Айни чоғда тилдан тўғри ва мақсадга тамомила мувофиқ фойдаланишда, матн мазмунини тўла ва теран англашда, луғатларнинг, хусусан, изоҳли луғатларнинг ўрни беқиёсдир. Бунинг устига, айниқса, изоҳли луғатлар тилнинг тараққиёт даражасини ҳам тугал тасаввур қилиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам изоҳли луғатнинг дунё луғатчилигидаги салмоғи айричадир. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти буюртмаси асосида Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нашр этилган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" қадим ва бой тилимизнинг кўркли хазинасининг кўзгуси сифатида унинг ривожу камолоти учун хизмат қилади.

Ўзбек луғатчилигидаги муҳим ишлардан яна бири — шу йил нашрдан чиққан икки жилдли "Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати"дир. Унда ўзбек тилидаги синонимларнинг лексикографик изоҳлари, синонимик қатордаги сўзларнинг маъно нозикликлари, бу маъновий фарқланишларни далилловчи, ижобий-салбий баҳоси ҳамда услубий ўзига хосликларини кўрсатувчи мисоллар берилган. Тил зангинлиги ва рангинлигининг чин кўзгуси бўлмиш синонимлар бугунги тилшуносликдаги пешқадам қарашлар асосида изоҳланган.

Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган "Сўз сандиқчаси" номли изоҳли луғатча, "Ўзбек тилининг катта изоҳли луғати", "Иш юритиш" амалий қўлланмаси ва яна бошқа кўплаб китоблар давлат тил сиёсатини амалга оширишга кўмаклашишини таъкидлаш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ибораси билан айтганда, *"глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди".* Бу долзарб вазифаларни бажаришда мамлакатимиз филологлари, хусусан, тилшунослари Президентимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, кўрсатмаларини бениҳоя қадрлаган ҳолда фаоллик кўрсатади, тилимиз равнақи йўлидаги илмий изланишларини янада кучайтиради. Зотан, азалий суюк, абадий буюк тилимизга чин эътиқод ва мунтазам масъуллик шуни тақозо этади.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор.**

# ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ ТУРКИЯДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

*21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси қошида фаолият кўрсатадиган "Ўзбек тилининг дўстлари" клуби, Туркия олий таълим муассасалари ҳамда мамлакатимиз илмий-адабий жамоатчилиги вакиллари иштирокида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.*

## Биз ва жаҳон

Ана шулардан бири Анқара Йилдирим Боязид университети билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилди. Бу сафар ўзбек адиби Чори Авазнинг яқинда турк тилига таржима қилинган "Aydinlik Hayaller" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов, Анқара Йилдирим Боязид университети профессори Актач Айдин, Туркия радио ва телевидение олий кенгаши эксперти, доктор Аҳмед Акалин, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Шаҳло Ҳожиева, "Фаввора фильм" киностудияси раҳбари Келдиёр Хўжаёров, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Озода Бекмуродова, Зебо Омонова қатнашган ушбу тадбирда сўнгги йилларда ўзбек тилининг обрў-эътиборини ошириш, унинг халқаро миқёсдаги ўрнини юксалтириш, жумладан, Туркияда ўзбек тилини ўрганишга имкониятлар яратиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Адибларимиз асарларининг турк тилига ўгирилиши ҳам ўзбек тили ва адабиётига бўлган катта қизиқишдан далолат бериши қайд этилди. Тақдимот маросими иштирокчиларига Чори Авазнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича маълумот берилди. Университетнинг тилшунослик йўналиши талабалари иштирокида мушоира ташкил этилиб, ўзбек шоирининг шеърларидан намуналар ўқилди.

Тадбирдан сўнг ўзбекистонлик профессор Нурбой Жабборов ва турк навоийшунос олими Фунда Топрак иштирокида Анқара Йилдирим Боязид университети талабаларига ўзбек тилига бағишланган очиқ дарс ташкил этилди.

Худди шундай амалий машғулот Ҳажеттепе университетида, шунингдек, Туркиянинг Карабюк университетида "Ўзбек тилининг дўстлари" клуби фаоллари иштирокида "Ватандошлар" жамоат фонди ҳамда Алишер Навоий жамғармаси томонидан тақдим этилган ўзбек тилидаги китобларни топшириш маросимининг ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**«Дунё» АА.**
Анқара

## Тиббиёт

# ДАВОЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

*Навоий шаҳрида "Йирик бўғимлар жароҳатлари ва ортопедик касалликларни даволашнинг инновацион усулларини татбиқ қилиш истиқболлари" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*



Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган ортопедия ва травматология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда юртимизнинг таниқли шифокор-мутахассислари ҳамда йигирмага яқин давлатлардан олимлар қатнашди.

Дастлаб иштирокчилар бугунги кунда жаҳон травматолог ва ортопедлари фойдаланаётган тиббий технологиялар кўргазмаси билан танишди.

Шундан сўнг бўлиб ўтган ялпи мажлисда травматология ва ортопедия соҳасининг долзарб муаммолари — таянч-ҳаракат аъзолари жароҳатларининг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш, остеосинтезнинг янги замонавий усуллари, йирик бўғимларнинг артроскопияси ва эндопротезлаш, умуртқа жарроҳлиги, болалар травматологияси ҳамда ортопедияси масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

— Бугунги кунда умуртқа поғонаси ва катта бўғимлар жарроҳлигида каминвазив технологияларни татбиқ этиш ўта муҳим ҳисобланади, — дейди Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мурожон Ирисметов. — Боиси умуртқа поғонаси ҳамда катта бўғимлардаги эндоскопик жарроҳлик амалиёти беморларни муқим шароитда даволаш муддатининг қисқаришини таъминлаб, энг қисқа муддат (5-6 кун)да меҳнатга лаёқатлиликнинг тикланишига олиб келади.

Анжуман секцияларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Уларда юздан ортиқ мавзуларда маърузалар тингланиб, умуртқа поғонаси жарроҳлиги ва артроскопия бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Муҳокамалар якунида травматолог-ортопедлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ва уларнинг амалий натижалари умумлаштирилиб, соҳани янада ривожлантиришнинг галдаги истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Фахр

# МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

*Наманганда қимматбаҳо металлар ва тошларни харид қилиш, қайта ишлаш ва бошқа заргарлик фаолият турларига йўналтирилган "Gavhar Jewel Group" масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига эндигина икки йил бўлди.*

Эллик киши доимий асосда меҳнат қилаётган ушбу корхонада 150 дан ортиқ маҳаллий заргарлар билан кооперация тартибида иш олиб борилаётир. Бу орада нозик ҳунар эгалари ташқи бозорга ҳам чиқиб улгурди, тайёрланган маҳсулотнинг йигирма фоизи экспорт қилинмоқда.

"Gavhar Jewel Group" ўтган йили Бухорода ташкил этилган халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалида муваффақиятли қатнашиб, "Энг яхши заргарлик корхонаси" номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринга сазовор бўлган эди.

Яқинда Дубай шаҳрида уюштирилган "International GEM & Jevellery Show" халқаро заргарлик кўргазмасида илк бор ўзбекистонлик тадбиркор дунё заргарлик саноати ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси учун тақдирланди. МЧЖ раҳбари, "Gavhar" бренди асосчиси Азизбек Абдурасуловга "Global Icon" мукофоти тантанали равишда топширилди.



— Халқаро экспертлар талқинига кўра, жорий йил дунё заргарлик саноатининг муҳим вакилларидан бири сифатида эътироф этилишимиз жамоамизга алоҳида фахр бағишлайди, — дейди "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳиби А. Абдурасулов.

Маълумот учун, қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари экспортини қўллаб-қувватлаш кенгаши (GJEPC) 1966 йилдан буён фаолият юритади ҳамда олмослар бозорида юқори мавқега эга ташкилот ҳисобланади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6